

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**47 «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбир-
корлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-
лари тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2580-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сонли «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 28 апрелдаги 4 ва 68-сон «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2580, 2014 йил 5 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 217-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 1 февраль,
2-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2016 йил 1 февраль,
111-сон

Келишилган:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ШАЙХОВ

2016 йил 1 февраль